



?????????: «?????? ?????? ?????? ??????? ??????????

?????. ?????? ?????? ?????? ??????? ?????????? ???????????.

?????? ?????? ?????? ??????? ????????????????. ???????

????? ?????? ?????? ??????????????».

17. Абу Туфайлдан ривоят қилинади:

**«Алидан: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сизларга кўпчилик одамларга хос**

**қилмаган нарсани хослаб берганларми?» деб сўрашди.**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга хос қилмаган нарсаларини бизга хослаб берган эмаслар. Фақатгина қиличимнинг қинидаги нарса бор», деб, бир саҳифани чиқарди. Қарасак, унда «Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйганни Аллоҳ лаънатлайди. Ер белгиларини ўғирлаганни Аллоҳ лаънатлайди. Ота-онасини лаънатлаганни Аллоҳ лаънатлайди. Ким муҳдисга жой берса, уни Аллоҳ лаънатлайди», дейилган экан».**

**Шарҳ:** Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳудан баъзи кишилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизларга – аҳли байтларга бошқа кишиларга айтмаган бир хос нарсани қолдирганмилар?» деб сўрашди. Шунда ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Йўқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа одамлардан алоҳида қилиб, бизнинг ўзимизга хос бир нарса деганлари йўқ, фақат мана бу қиличимнинг қинида турадиган бир нарса, яъни бир варақ – саҳифа бор», деб ҳалигини чиқариб, очган эканлар. Ана шу саҳифага қарашса, у ерда ёзув бор экан:

**«Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйганни Аллоҳ лаънатлайди».**

Демак, ҳайвон фақат Аллоҳ учун, Аллоҳга атаб сўйилиши, у иш Аллоҳнинг номи билан бўлиши керак. Агар ҳайвон Аллоҳдан бошқага атаб сўйилса, яъни бир одам эътиқод қилиб сўяётган ҳайвонини бутга атайдими ёки бир

қабрга атайдими, ёхуд бошқа бир нарсага атайдими, Аллоҳнинг лаънатиға учрар экан.

Мўмин-мусулмон одам қурбонлик қилмоқчи бўлса, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига атаб сўйиши керак. Аллоҳдан ўзгага атаб сўйган одам Аллоҳнинг лаънатиға қолади.

Ўша саҳифадаги иккинчи нарса:

**«Ер белгиларини ўғирлаганни Аллоҳ лаънатлайди».**

«Ер белгисини ўғирлаш» нима дегани? Қўни-қўшнилари ери бор, ерларни бир-биридан ажратиш учун белги қўйилган. Хоҳ девор бўлсин, хоҳ қозиқ ёки сим тортилган бўлсин, хуллас, ҳар бир қавмининг ўз вақтидаги белгилари бўлади. Ўша нарсани қўшнисига билдирмасдан, у ёқ-бу ёққа суриб қўйиб, бировнинг ерини қўшиб олса, бу катта хиёнат бўлади.

Бир қарич ер бўлса ҳам, бировнинг ерини ўзиники қилиб олиш қанчалик оғир гуноҳ бўлиши кўпгина ҳадисларда келган. Ана шу одамни ҳам Аллоҳ таоло лаънатлар экан, чунки у бировнинг ерини ўзига билдирмай, ҳаром йўл билан ўзиники қилиб олган. Белгини олиб қўйиш ёки жойидан суриш оқибатида ўзига ҳаромдан мулк орттирган. Бу ҳам ниҳоятда катта гуноҳ экан.

Ўша саҳифадаги учинчи ва бизнинг бобимизга керакли нарса:

**«Ота-онасини лаънатлаганни Аллоҳ лаънатлайди».**

Бу иш икки хил бўлиши мумкин: биринчисида фарзанднинг ўзи ота-онасига лаънат сўзларини айтади, сўкади. Иккинчиси – фарзанд бошқа бировларни хафа қилади, ота-онасини сўкади-да, улар ҳам унинг ота-онасини сўкади. «Ота-онангга лаънат», «Сени тўққан онангга лаънат», «Боққан отангга лаънат», дейиш ҳам ўз ота-онасини лаънатлаш бўлади.

Бундай ишни қилган фарзандни ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло лаънатлайди.

Ўша саҳифадаги тўртинчи нарса:

**«Ким муҳдисга жой берса, уни Аллоҳ лаънатлайди».**

«Муҳдис» динда йўқ нарсани бор деб, фитна чиқариб, эътиқод масаласида бузуқликка юрган фитначи кишиларга қўйилган номдир. Қуръонда йўқ,

ҳадисда йўқ, Ислом жамиятида жорий бўлиб турган қонун-қоидаларда йўқ нарсани ўзидан чиқариб, мана шунга эътиқод қилиш керак, деб эътиқодий бидъатчилик қилса, ана шундай одамни ҳам Аллоҳ лаънатлайди. Шу билан бирга, унга жой бериб, ёрдам кўрсатган одамни ҳам Аллоҳ лаънатлайди.

Бундай нарсалардан ҳаммамиз эҳтиёт бўлишимиз керак. Аллоҳнинг лаънатидан кўра катта бадбахтлик йўқ. «Лаънат» сўзининг маъноси раҳматдан узоқлаштириш, Аллоҳнинг раҳматидан мосуво бўлишдир.

Бундай одам энди Аллоҳдан раҳмат кутолмайди. Раҳмат ўрнига У Зотнинг лаънатига, азобига дучор бўлади.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўз аҳли байтларини мусулмонлар оммасидан алоҳида бир нарса билан хосламаганлари.
2. Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларида қиличнинг қинида сақланадиган кичик бир саҳифа бўлгани.
3. Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйганни Аллоҳ таоло лаънатлаши.
4. Ер белгиларини ўғирлаганни Аллоҳ лаънатлаши.
5. Ота-онасини лаънатлаганни Аллоҳ лаънатлаши.
6. Ким муҳдисга жой берса, уни Аллоҳ таоло лаънатлаши.